O’ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SURXONDARYO VILOYATI
DENOV HOKIMINING
Q A R O R I

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН
СУРХАНДАРЬИНСКАЯ ОБЛАСТЬ
РЕШЕНИЕ
ХОКИМА ДЕНАУСКОГО РАЙОНА

190500, Denov tumani, Sh.Rashidov ko’chasi 238-uy, tel.: 0(376)413-13-33, fax: 0(376) 413-12-42

2020 yil “1” Май 321 - sonli

Туман бюджетидан маблағ билан таъминланадиган бюджет муассасаларининг тасдиқланган харажатлар режасига ўзгартириш киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси “Бюджет кодекси”нинг 145-моддаси, Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 9 декабрдаги ЎРҚ-589-сон Қонунининг 8-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 декабрдаги ПҚ-4555-сон қарорига асосан Денов туман ҳокимлиги молия бўлимининг 2020 йил 3 апрелдаги 02-01/364-сонли хатини инобатга олиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 декабрдаги ПҚ-4555-сон қарорига асосан туман бюджетидан маблағ билан таъминланадиган бюджет муассасаларининг 2020 йил 1 февралдан бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар, нафақалар ҳамда кам таъминланган оилаларга бериладиган моддий ёрдам миқдори 1,07 баробарга оширилганлиги муносабати билан жорий йилнинг 1 апрелидан харажатлар режасига иловага мувофиқ тегишли ўзгартиришлар киритишга рухсат этилсин.

2. Туман молия бўлими (А.Мухаммадиев)га 2020 йилги бюджет ижросини сифатли амалга ошириш ва кредитор қарздорликка йўл қўймаслик мақсадида туман бюджетидан маблағ олувчи бюджет муассасаларининг 2020 йил харажатлар режасига тегишли ўзгартиришлар киритиш вазифаси юклатилсин.

3. Ушбу қарор расман эълон қилинган кундан кучга киради.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Б.Абдурайимов зиммасига юклансин.

Туман ҳокими **Б.Ибатов**

ASLIGA TO‘G‘RI
IMZO